

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШОВА МАДИНА МУХТОРОВНА**

**РЕВМАТОИД АРТРИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН АЁЛЛАРДА  
ИККИЛАМЧИ ОСТЕОАРТРОЗНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ,  
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Эргашова Мадина Мухторовна**

Ревматоид артрит билан касалланган аёлларда  
иккиламчи остеоартрознинг клиник кечиши, диагностикаси  
ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари..... 5

**Эргашова Мадина Мухторовна**

Особенности клинического течения, диагностики  
и лечения вторичного остеоартроза у  
женщин с ревматоидном артритом..... 23

**Ergashova Madina Mukhtorovna**

Clinical process of secondary osteoarthritis of women with rheumatoid  
arthritis its features, diagnosis and treatment..... 46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШОВА МАДИНА МУХТОРОВНА**

**РЕВМАТОИД АРТРИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН АЁЛЛАРДА  
ИККИЛАМЧИ ОСТЕОАРТРОЗНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИ,  
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**САМАРҚАНД - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2PhD/Tib1331 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Шодикулова Гуландом Зикрияевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Набиева Дилдора Абдумаликовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
**Хусинова Шоира Акбаровна**  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022-йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, М.Улугбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ 2-сон клиникаси (Кўп тармоқли ихтисослашган болалар хирургия маркази), Тел/факс: 0(366)-233-58-92,233-79-03, e-mail: [shodikulovagulandom@mail.ru](mailto:shodikulovagulandom@mail.ru)).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: (99866) 233 -07-66).

Диссертация автореферати 2022-йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2022-йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Т. Раббимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Ж.О. Атакулов**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда суяк ва бўғим тизими патологиялари умумий аҳолининг барча касалликлари орасида дунёда учинчи ўринни эгаллайди. Улардан энг кенг тарқалгани ревматоид артрит (РА) ва остеоартроз (ОА) касалликларидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...ревматоид артрит билан бутун дунё аҳолисининг 1-2% касалланган, касалликнинг дастлабки 5 йилида РА билан оғриган беморларнинг 40% дан ортиғи бўғимларнинг жиддий зарарланиши туфайли ногирон бўлиб қолмоқда, бу эса уларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада ёмонлаштиради...»<sup>1</sup>. РА билан оғриган беморларда касалликнинг асоратлари орасида кўпинча иккиламчи остеоартроз учрайди, бу сўнгги маълумотларга кўра, дегенератив жараён сифатида эмас, балки яллиғланиш олди медиаторлар таъсирида бўғим тўқималарининг аномал ремоделланиши ҳисобланади. Шунинг учун, РА билан оғриган беморларда иккиламчи остеоартрознинг ривожланишини патогенетик механизми ва хавф омилларини ўрганиш, бўғимлар дисфункциясини эрта аниқлаш, ушбу патологияларни ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш тиббиётда ечими топилиши зарур бўлган муаммолардан ҳисобланади.

Дунёда РА билан оғриган беморларда иккиламчи ОАни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада РА билан оғриган беморлар орасида иккиламчи ОА ривожланишига сабаб бўлган асосий омилларни аниқлаш, касалликнинг кечиши, иккиламчи ОА нинг оғирлиги билан олигомер матриксли тоғай протеини (COMP) даражаси ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш, диагностика тизимини такомиллаштириш, коморбид ҳолатлар учрашини таҳлил қилиш ва клиник-биокимёвий, рентгенологик кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликни баҳолаш ва даволаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида ревматик характердаги патологияларни эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб муайян натижаларга эришилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, РА билан оғриган беморларда иккиламчи ОА ривожланишда қон зардобидеги олигомер

<sup>1</sup> World Health Organization. Musculoskeletal conditions. 8 February 2021 Available from: <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/musculoskeletal-conditions>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори

матриксели тоғай протеини (СОМР), циклик цитрулин пептидга антитана (ЦЦПА), IL-6, TNF- $\alpha$  ва DAS 28 каби кўрсаткичлар қийматлари ўртасида боғлиқликни ўрганиш, асосий ва таққослаш гуруҳларида қон зардобидаги СОМР миқдорига боғлиқ ҳолда касалликнинг фаоллик даражаси ва бўғимларнинг шикастланишини аниқлаш, эрта ташхис қўйиш ҳамда даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш, мақбул терапияни жорий этиш ўз навбатида РА асоратлари ва унинг натижасида ривожланадиган ногиронликни шаклланишини олдини олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли “Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлиги даражаси.** Замонавий жаҳон адабиётлари маълумотларига кўра, ревматоид артрит бириктирувчи тўқималарнинг сурункали тизимли аутоиммун яллиғланиш касаллиги бўлиб, у асосан периферик бўғимларнинг прогрессив эрозив-деструктив полиартрити шаклида намоён бўлади. (А.Гадаев, 2020). Бирламчи ва иккиламчи ОА нинг кенг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда, замонавий биомаркерларни ўрганиш катта қизиқиш уйғотади бу, нафақат диагностик аҳамиятга эга, балки даволаш самарадорлигини кузатишда ҳам муҳим ўринга эгадир. Қўшма консолидирланган лойиҳалар натижаларига кўра, тадқиқотчиларнинг аксарияти тоғай олигомер матриксели оқсилени баҳолаш (СОМР) ОА ни эрта ташхислаш учун ишончли биомаркери сифатида белгилайдилар. (Бенца, Т.М. 2015). Бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатдики, РА билан касалланиш аҳоли орасида иккиламчи ОА тарқалишининг асосий сабабларидан биридир. РА ва иккиламчи ОА билан оғриган беморларни даволаш тактикасининг айрим масалалари ҳали ҳам очиқлигича қолмоқда (Ключкова-Абелянтс С.А., Суржикова Г.С. 2019 йил).

Н.М.Никитина ва бошқалар тадқиқотида РА билан оғриган беморларда коморбид касалликлар мавжудлиги кузатувларнинг турли йилларида 67,2% ва 86,6% ҳолларда аниқланган. РА билан касалланган беморларда қўшма касалликлар таркибида умумий ОАнинг етарлича юқори тарқалиши аниқланган. Масалан, бўғимдаги яллиғланиш сифатида намоён бўладиган РА,

иккиламчи ОА кўшилиши билан бўғимга ҳам зарар етказиши мумкин. (K.L. Gron et al. 2018). Бўғимларнинг деструкциясига олиб келадиган сурункали РАда иккиламчи ОА ривожланиши бу эрта ногиронликни тезлаштириши ва беморларнинг ҳаёт сифатини пасайтириши мумкин. (Моррелл ва бошқ. 2019).

Бундан ташқари, иккиламчи ОА, бирламчи ОАга қараганда эрта ёшда намоён бўлади ва тизимли касалликнинг мавжудлиги ҳақида дастлабки маълумот бериши мумкин. Патогенетик механизмлар нуктаи назаридан, РА гетероген касаллик бўлиб, унинг патогенези тизимли аутоиммун яллиғланишга асосланган бўлиб, асосан бўғимларнинг синовиал мембранасига таъсир қилади. Бу РА ни ОА дан ажратиб турадиган прогрессив назоратсиз синовиал яллиғланишнинг ривожланиши билан намоён бўлади (Е.Л. Насонова, В.А., 2015). Ҳозирги замонавий тушунчаларга кўра, ОА дастлаб яллиғланишсиз касалликдир, аммо яллиғланиш механизмлари (РАдан ташқари) ОА ривожланишига ҳисса қўшиши ва рағбатлантириши мумкин. Тоғайнинг шикастланиши турли сабаб ва оқибатларга олиб келадиган РА ва ОАда ҳам патологик жараённинг марказий бўғинидир. D.A.Walsh томонидан олиб борилган тадқиқотларда РА ва ОА га хос бўлган синовиал яллиғланишдаги ангиогенездаги фарқларни аниқлади, бу иккала ҳолатда ҳам оғриқ пайдо бўлишига ҳисса қўшади. РА 10% беморларда кўзиш даврининг ноёб эпизодлари билан тавсифланади, яъни у доимий моноциклик кечади. Беморларнинг учдан икки қисмида касаллик аста-секин ривожланиб боради, аммо ривожланишнинг аниқ белгилари билан, тўлиқ бўлмаган ремиссия ва тез-тез кўзиш билан кечади. Қолган беморларда бўғимларнинг кўплаб ва оғир шикастланиши кузатилади шу туфайли ички органларнинг дисфункцияси "оқибати ёмон" кечишига сабаб бўлади (Эдвардс К.Дж., Фаутрель Б., Шульце-Купс Х., Хейзинга Т.В., Крюгер К. 2017). Шунинг учун, РА фаоллигини аниқлашда бир вақтнинг ўзида бир нечта кўрсаткичларни рўйхатга олиш асосида интеграциялашган ёндашувга мурожаат қилиш одатий ҳолдир.

Ўзбекистонда бир қатор етакчи олимлар, хусусан, М.Ю. Алиахунова (2017), Х.Т. Мираҳмедова (2020). Ҳ.С. Ахмедов (2019), Д.А.Набиева (2020) бу йўналишда илмий изланишлар олиб борганлари эътиборга лойиқдир, аммо сўнгги ўн йилликларда ушбу ҳолатнинг тарқалиши, РА касаллигида иккиламчи ОАни бирга келишида даволашнинг анъанавий фармакологик усуллардан фойдаланиш ўрганилмаган ва бу масалани чуқурроқ тушуниш учун кейинги тадқиқотларни ўтказишни талаб қилади.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш, РАда иккиламчи ОАни эрта ташхислаш ва прогнозлаш самарадорлигини ошириш, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасининг асосий вазифаларидан бири бўлган юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш имконини беради. Юқорида айтилганларга асосланиб, РА ва иккиламчи ОА билан касалланганларда эрта ташхис қўйиш ва асоратларни олдини олиш тамойилларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалда бажариш имконини беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, № ПЗ-2018-090921394-сонли «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ташхисоти ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш» (2017-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ревматоид артрит ва иккиламчи остеоартроз билан касалланган беморларда клиник ва лаборатор кўрсаткичларини комплекс баҳолаш орқали эрта дифференциал диагностика самарадорлигини ошириш ва даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

РА билан оғриган беморларда иккиламчи ОА ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш, унинг пайдо бўлиш частотаси ва клиник-лаборатор кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини аниқлаш;

СОМР нинг диагностика имкониятларини аниқлаш ва ревматоид артритда иккиламчи артроз билан оғриган беморларни клиник-функционал текширув натижалари билан қон зардобидаги олигомер матриксели тоғай протеини орасида боғлиқликни таҳлил қилиш;

ревматоид артрит ва иккиламчи ОА билан касалланган беморларда яллиғланиш маркерларининг, хусусан ЦЦПА, СРО ва СОМРнинг орасидаги корелляцияон боғлиқлигини баҳолаш;

беморларнинг қонида СОМР, IL-6, TNF- $\alpha$  кўрсаткичларининг ўзгаришлар динамикаси тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, РА учун стандарт терапияга қўшимча муқобил даволаш усулларини танлаш ва амалга ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси кардиоревматология бўлимида ревматоид артрит ташхиси билан даволанган 125 нафар беморлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни умумий клиник, иммунологик ва биохимик текшириш усуллари учун беморларнинг веноз қони ва зардоби ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, лаборатор, функционал, биокимёвий, иммунологик (СОМР, ЦЦПА, IL-6, TNF- $\alpha$  ) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ревматоид артрит билан оғриган барча текширилган беморларнинг 49,6%да турли даражадаги иккиламчи остеоартроз ривожланиши ва унинг асосий касалликнинг давомийлиги ва фаоллиги билан тўғри корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

РА билан касалланган беморларда яллиғланиш олди цитокинлари (IL-6, TNF- $\alpha$ ), иммунологик маркер (ЦЦПА) ва олигомер матриксели тоғай оқсили (СОМР) кўрсаткичларининг ўзгариши оқибатида тоғайларда иммун генезли жараён кечиши аниқланган;

РА ва иккиламчи ОА билан оғриган беморларда касалликнинг юқори фаоллиги ва бўғимларнинг чуқур шикастланиши, қон зардобида СОМР миқдорига тобелиги аниқланган;

РА ва иккиламчи ОА билан касалланган беморларда базис терапияга қўшимча хондропротекторлар ва кальций препаратларни қўллаш натижасида тоғай структурасининг тикланиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ревматоид артритда иккиламчи остеоартрознинг дифференциал диагностикаси натижасини яхшилайдиган биологик белгилар аниқланган;

ревматоид артритда иккиламчи ОА билан оғриган беморларда терапиянинг толерантлилиги ва хавфсизлиги асосий касалликнинг табиатини аниқлаш асосида баҳоланган;

ревматоид артритли беморларда иккиламчи остеоартроз ривожланиши учун хавф омиллари аниқланган;

РА касаллигида иккиламчи ОА олдиндан башорат қилиш мезонлари такомиллаштирилган, ўз навбатида, ушбу касалликни эрта ташхислаш имконини берувчи дастур ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган, шу жумладан базис терапияга қўшимча кальций ва хондроитин сульфат препаратларини қўллаш билан даволаш усули такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, инструментал, иммунологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида РА ва иккиламчи ОА мавжуд бўлган беморларда касалликни эрта ташхислаш ва кечишини олдиндан башорат қилишга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига хослиги ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, РАда иккиламчи ОАнинг ривожланиш механизмлари, клиник кечиши ва прогнозида олигомер матриксли тоғай оксиди (СОМР), ЦЦПА, IL-6, TNF- $\alpha$  кўрсаткичларини баҳолаш, уларнинг касаллик фаоллиги билан боғлиқлигини ўрганиш, қон зардобида СОМР миқдори юқори бўлган РА билан оғриган беморларда бўғимларнинг оғир шаклида зарарланиши ҳолатини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ўткир фазада яллиғланиш кўрсаткичлари ва олигомер матриксли тоғай оксиди (СОМР) миқдорини баҳолаш орқали РАда иккиламчи ОА ривожланиши бўғимларининг шикастланиш даражасини аниқлайдиган дастурни ишлаб чиқиш, шунингдек, анъанавий даволаш усулларига, хондропротекторлар ва кальций препаратларини биргаликда қўллаш бўйича тавсиялар яратиш, бу танланган даволаш усули самарадорлигини баҳолаш, асоратларни олдини олиш, ҳаёт сифати ва иш қобилиятини яхшилаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ревматоид артритли аёлларда иккиламчи артрознинг клиник кечиши, диагностикаси ва даволаш хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

РАда клиник ва лаборатория кўрсаткичлари асосида иккиламчи ОАнинг эрта ташхислашининг такомиллаштириши бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ревматоид артрит билан касалланган аёлларда иккиламчи остеоартрознинг клиник кечиши, диагностикаси алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги № 8н-р/858). Мазкур услубий тавсиянома ревматоид артрит ва иккиламчи остеоартрози эрта ташхислашда СОМРнинг асосий ролини аниқлаш, касалликнинг асоратларини ва ногиронликни камайтириш имконини берган;

РА билан оғриган беморларда иккиламчи артрознинг клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ревматоид артритли аёлларда иккиламчи остеоартрози рационал даволаш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 29 июлдаги маълумотномаси № 8н-р/855). Мазкур услубий тавсиянома ревматоид артрит билан касалланган беморларда иккиламчи ОАни даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

ревматоид артритли аёлларда иккиламчи остеоартрознинг клиник кечиши, диагностикаси, даволаш ва прогнозлаш усуллари такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотдан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонаси, Жиззах вилояти Ш.Рашидов тумани тиббиёт бирлашмаси ва Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани марказий шифохонаси терапевтик бўлимлари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022-йил 5-сентябрдаги 8н-з/452-сонли хулосаси). Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши эрта ташхис қўйишни оптималлаштириш, касалликнинг кечишини башорат қилиш, асоратларнинг ўз вақтида олдини олиш, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва терапевтик чоратадбирлар самарадорлигини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий конфереция, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 7 та мақола, улардан 5та республика ва 2та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишини Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ревматоид артрит билан касалланган беморларда иккиламчи остеоартроз ривожланишининг этиологияси ва патогенезига замонавий қараш”** деб номланган биринчи бобда ушбу мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, шунингдек, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил баён этилган. Тадқиқот натижалари таҳлил қилиниб, дастлабки маълумотлар жаҳон ва Ўзбекистонда ревматоид артрит билан оғриган беморларда иккиламчи остеоартроз муаммоси бўйича расмий статистик маълумотлар кўрсаткичлари билан солиштирилган. Тадқиқотда касаллик патогенезида цитокинлар ва бошқа яллиғланиш омилларининг фаоллашини кўрсатилган. Бу жараёнлар нафақат бўғимларни, балки бошқа органлар ва тизимларнинг шикастланишига ҳам олиб келиши ва бунинг ёрқин мисоли РАда иккиламчи ОА ривожланишидир.

Диссертациянинг иккинчи боби анъанавий равишда клиник материаллар ва қўлланилган текширув усуллари тавсифлашга бағишланган. РА ташхиси Америка Ревматологлар Ассотсиацияси (ACR)/Ревматизмга қарши Европа Лигаси (EULAR 2016) томонидан қабул қилинган мезонлар билан тасдиқланган. Барча беморлар икки гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳда РА билан оғриган 63 нафар бемор, 2-гуруҳда РА билан касалланган иккиламчи остеоартроз билан асоратланган 62 нафар беморлар. РА билан оғриган беморларнинг ўртача ёши  $52,8 \pm 1,4$  йил, касалликнинг давомийлиги  $8,6 \pm 0,7$  йилни ташкил этди.

Беморларни текширишда умумий қабул қилинган клиник, лаборатория ва инструментал усуллар қўлланилди. Ревматоид артрит клиникаси бўғим синдромлари билан намоён бўлди, бу беморларни бошқалардан ажратиб туради. Касалликнинг фаоллигини баҳолаш учун ушбу синдромнинг миқдорий кўрсаткичлари аниқланди: оғриқ индекси (балларда), эрталабки котиш давомийлиги (дақиқаларда), бўғим индекс (балларда), П. Ли тести (балларда) ва қўлларнинг манипуляция қобилияти (%) баҳоланди. РА нинг ривожланиш даражасини баҳолаш В.Насонова ва М.Астапенко (1989) томонидан таклиф қилинган мезонларга мувофиқ амалга оширилди. Бўғим синдромнинг кучайиши ва касаллик фаоллиги даражаси оғриқли ва шишган бўғимлар сони, DAS 28 индекслари ва 100 мм визуал аналог шкала (VASH) бўйича баҳоланди.

DAS 28 индекси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$DAS\ 28 = 0,56 \times ОБС(с\ 28) + 0,28 \times ШБС(с\ 28) + 0,70 \times хЛн(ЭЧТ) + 0,014 \times УШ$$

Бу ерда, ОБС - оғриқли бўғинлар сони (68 тадан 28 таси), ШБС- шишган бўғинлар сони (66 тадан 28 таси), УСХ- умумий саломатлик ҳолати (ВАШ). DAS 28 индекси балларда баҳоланди: Бунга кўра >5,1 - (III) юқори РА фаоллиги; 3.3-5.1 - (II) РА нинг ўртача фаоллиги; 2.6-3.2 - (I) паст РА фаоллиги; <2,6 - РА ремиссия босқичи ҳисобланади.

РА билан оғриган беморларнинг иш қобилиятини етарли даражада баҳолаш учун улар функционал синфлар бўйича фарқланади. Бўғим синдром билан боғлиқ бир қатор касалликларни истисно қилиш учун барча текширилган беморлар кенг қамровли клиник, лаборатория ва инструментал текширувидан ўтказилди.

Ёши, асосий касалликнинг давомийлигини, клиник босқичини, РФ/ЦЦПА позитивлигини, рентген босқичини, шунингдек DAS 28 ва функционал синфга мувофиқ РА фаоллигини аниқлаш билан касаллик тарихининг батафсил таҳлили ўтказилди. Бундан ташқари, оғриқ интенсивлиги визуал аналог шкала (VASH) ёрдамида ва ҳаёт сифатини баҳолаш сўровномаси ёрдамида баҳоланди. Шунингдек, қон зардобиди ЦЦПА, СОМР, ИЛ-6, TNF- $\alpha$  биомаркерлари аниқланди.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш Microsoft Excel ва «STATISTICA 6.0», дастурий таъминот тўплами ёрдамида амалга оширилди, бу ерда ўртача қийматлар (М - арифметик ўртача), ўртача стандарт хато (м) ва стандарт оғиш (с) аниқланди. Илмий иш жараёнида олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражасини текшириш учун ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Бунинг учун мустақил намуналар т-тестга параметрик муқобил бўлган Манн-Манна-Уитни U-тести ва параметрик Студент т-тести қўлланилди. Статистик жиҳатдан ( $p < 0,05$ ) таққосланган қийматлар ўртасидаги фарқ эҳтимоли 0,05 дан кам бўлган.

Диссертациянинг учинчи боби **«Ревматоид артрит ва иккиламчи остеоартроз билан оғриган беморларнинг клиник ва лаборатория хусусиятлари»** деб номланиб, учта кичик бўлимдан иборат, биринчи бўлимда РА билан оғриган беморларда иккиламчи ОА ривожланишининг тарқалиши ва хавф омиллари ўрганилди. Иккинчи кичик бобда касалликнинг фаоллик даражасига қараб ревматоид артрит ва иккиламчи остеоартрознинг клиник ва лаборатор хусусиятлари ҳақида маълумот берилган, учинчи бўлимда РА ва иккиламчи ОА билан оғриган беморларда қон зардобиди тоғай олигомер матриксли оксилени аниқлаш натижалари таҳлил қилинди.

Барча текширилган 125 нафар беморни таҳлил қилишда уларда касалликнинг аста-секин кечиши ва полиартрит мавжудлиги, 74 (59,3%) нафар беморда ижобий ревматик омил аниқланган. Биринчи гуруҳдаги беморларнинг ўртача ёши  $52,13 \pm 0,80$ , иккинчи гуруҳда эса  $53,75 \pm 1,23$  ёшни ташкил қилди. Назорат гуруҳидаги беморларда касалликнинг умумий давомийлиги 1 йилдан 15 йилгача, ўртача  $8,3 \pm 0,71$  йилни ташкил этди. Тадқиқотимизда иккала гуруҳда ҳам 46-55 ёшли беморлар ва касаллик давомийлиги 5-10 йилни ташкил этган беморлар кўпроқ кузатилди. Бўғим синдромдан ташқари, асосий гуруҳ беморлари умумий ҳолсизлик (88,3%), асабий-зўриқиш, уйқу ва диққатнинг

бузилиши (36,9%), кўзгалувчанлик (18,7%) ва кўркув (6,1%) ҳақида шикоят қилдилар.

Кўпгина беморлар учун ташхисни яқуний тасдиқлаш жуда кўп вақтни олди ва ўртача 12 ойни ташкил этди. Дастлабки кўрикда фақат 54та (25,2%) беморга РА ташхиси қўйилган. Кўпгина беморларга ревматизм, реактив артрит, асоратланмаган артрит ва остеоартроз ташхиси қўйилган.

НАQ сўровномасини тўлдиришда дастлаб РА ва иккиламчи ОА бўлган барча беморлар у ёки бу даражада соғлиқ муаммоларини қайд этдилар. Тадқиқотларда биз таққосланган гуруҳларда НАQ индексининг ўртача қийматлари қуйидагича эканлигини аниқладик: 1- гуруҳда  $1,21 \pm 0,08$  балл, II гуруҳда мос равишда  $2,01 \pm 0,7$ . Яъни 2-гуруҳимизда индекс кўрсаткичи бу беморларда ҳаёт сифатини пастлигидан дарак беради. Биринчи гуруҳда 62 бемордан 15та нафарида тизимли ўзгаришлар кузатилган бўлса, иккинчи гуруҳда эса 12та беморда юрак, буйрак ва жигарга зарарланиш ҳолатлари кузатилди. Биринчи гуруҳда I R-босқичи кўпроқ кузатилди, иккинчи гуруҳда эса III-IV R-босқичлар кузатилиб бу БФ чуқур зарарланишидан дарак беради. Бўғимларнинг функциясини баҳолашда биз 2-гуруҳда бўғимларнинг дисфункцияси кўпроқ қайд этилганлигини аниқладик, бу бўғим синдромнинг тез ривожланишини кўрсатади.

РАнинг кейинги муҳим белгилари эрталабки карахтлик, унинг давомийлиги ўртача  $145,2 \pm 3,4$  минут ва ЭЧТ  $32,52 \pm 1,19$  мм / с ни ташкил этди. Шунини таъкидлаш керакки, 3 дан ортиқ бўғимларга таъсир қилувчи кафт бўғим симметрик зарарланишдан беморлар барчаси шикоят қилдилар. Ўртача оғриқли бўғимлар сони  $25,2 \pm 0,6$ , шишган -  $15,9 \pm 0,4$  ташкил этди.

Беморларда касалликнинг фаоллиги DAS 28 шкаласи бўйича баҳоланди: ремиссия биринчи гуруҳда 3,2 фоизни ( $DAS\ 28 < 2,6$ ), асосий иккиламчи ОА билан оғриган беморлар гуруҳимизда юқори фаолликни кўпроқ учрашини аниқладик. Ремиссия даври кузатилган беморлар йўқ эди. Бу иккиламчи ОА билан оғриган беморларда РА нинг оғир кечишини яна бир бор тасдиқлайди. Кейинги таҳлиллар шунини кўрсатдики, паст фаоллик ( $2,6 < DAS\ 28 < 3,2$ ) фақат биринчи гуруҳдаги 11 (17,8%) беморда ва 2-гуруҳда 21 (33,3%) беморда кузатилган. (1-жадвал).


### 1-жадвал

#### РА билан оғриган беморларнинг клиник ва функционал хусусиятлари

Кўрсаткичлар	РА билан оғриган беморлар (n =62)	РА ва иккиламчи ОА билан оғриган беморлар (n =63)
Ёш, йиллар, $M \pm \sigma$	52.13	53.75
Касалликнинг давомийлиги, ойлар $Me [Q25; Q75]$	120 [6; 240]	120 [6; 240]


РФ позитивлиги, n	41 (66,1%)	40(63.5%)
ЦЦПА позитивлиги, n	61 (98,4%) (28,5 U/ml)	63 (100%) (34,6 U/ml)
DAS 28га мувофик касаллик фаоллиги, n (%):		
ремиссия (DAS 28<2,6)	2(3,2%)	0
паст (2,6< DAS 28<3,2)	11 (17,8%)	21 (33,3%)
ўртача (3,2< DAS 28<5,1)	26 (41,9%)	23 (36,5%)
юқори (DAS 28>5,1)	23 (37,1%)	19 (30,2%)
Тизимли кўринишлар, n (%)	15 (23.8%)	12 (19.3%)
Рентген босқичи, n (%):		
I	5 (8%)	8 (12,7%)
II	37 (59,7%)	26 (41,3%)
III	14 (22,6%)	20 (31,7%)
IV	6 (9,7%)	9 (14,3%)
Функционал синф, n (%):		
I	9 (14,5%)	8 (12,7%)
II	18 (29%)	20 (31,7%)
III	38 (61,3%)	27 (42,9%)
IV		8 (12,7%)

Таққосланган гуруҳларда иммунологик ҳолатни баҳолаш шуни кўрсатдики, РФ микдорини 1-гуруҳда, ЦЦПА эса иккинчи гуруҳда юқори бўлиши кузатилган. Бу яна бир бор ЦЦПА РА нинг эрта ва дифференциал диагностикаси учун сезгир ва юқори сезгир серологик тест, шунингдек, касалликнинг кечиши учун прогностик маркёр эканлигини яна бир бор исботлайди. (1-расм).



**Расм 1. Таққослаш гуруҳларида РФ ва ЦЦПА қийматлари**

РА ва иккиламчи остеоартроз билан оғриган беморларнинг қон зардобида олигомер матриксли тоғай оксилнинг таркибини ўрганиш унинг қийматлари назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди. ( $p < 0.001$ ). Шу билан бирга, РАда иккиламчи ОА бўлган беморлар гуруҳида СОМР концентрацияси РАни таққослаш гуруҳидаги натижалардан статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқорилиги аниқланди. (2-расм)



**2-расм Таққослаш гуруҳларида СОМР даражасининг ўртача кўрсаткичлари.**

Тадқиқотимизда шунингдек, яллиғланиш олди IL-6 ва TNF- $\alpha$  цитокинларнинг диапазонларини аниқладик. Иккиламчи ОА бўлган РА билан оғриган беморларда IL-6 қийматлари коморбид патологияси бўлмаган РА

гуруҳига нисбатан 79% ва TNF- $\alpha$  39% га нисбатан ошганлигини аниқладик. (таб 2).

## 2-жадвал

### Даволашдан олдин ЦЦПА, COMP, IL-6, FNO- $\alpha$ нинг ўртача даражаси M $\pm$ m

Гуруҳлар	ЦЦПА (U/мл)	COMP (нг/л)	IL-6 (пг/мл)	TNF- $\alpha$ (пг/мл)
Назорат, n=20	5,3 $\pm$ 5,8	1005,4 $\pm$ 84,7	6,8 $\pm$ 0,72	8,04 $\pm$ 0,9
1-гуруҳ РА, n=62	38,8 $\pm$ 4,7	1974,4 $\pm$ 79,6	9,8 $\pm$ 0,64*	10,9 $\pm$ 0,73*
2-гуруҳ РА+иккиламчи ОА, n=63	53,0 $\pm$ 7,5*	2070,8 $\pm$ 113,0*	8,5 $\pm$ 0,51	9,7 $\pm$ 0,57

Эслатма: \*- назорат гуруҳи ва таққослаш гуруҳларидаги кўрсаткичларга нисбатан сезиларли кўтарилган

Биз РА билан оғриган беморларда иккиламчи ОА ни эрта ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқдик (3-расм).



Диссертациянинг «Ревматоид артритда иккиламчи артрозни комплекс даволаш усуллари самарадорлигини таҳлил қилиш» деб

номланган тўртинчи боби иккита кичик бобдан иборат бўлиб, биринчи бўлим ревматоид артритли беморларни комплекс даволашга бағишланган. Иккинчи кичик бобда РА ва иккиламчи ОА билан касалланган беморларда хондропротекторлар билан даволаш самарадорлиги муҳокама қилинади.

РА билан оғриган беморларни даволаш замонавий тиббиётнинг энг қийин муаммоларидан биридир. Даволаш усули РА шаклига, яллиғланиш жараёнининг фаоллик даражасига, касалликнинг босқичига, ривожланиш тезлигига, беморнинг ёшига ва коморбид ҳолатга боғлиқдир. РА билан оғриган беморларни даволаш усулини танлашда биз патологик жараённинг фаоллигини, оғриқ синдроми даражасини, асосий дори-дармонларни қабул қилиш ва физиотерапия давомийлигини ҳисобга олдик. Асосий патологиянинг аънавий терапияси, Европа антиревматик лигаси ва Россия ревматологлар ассоциациясининг даволаш бўйича тавсияларига мувофиқ, «treat to target» (даволаш - мақсадга эришиш) стратегияси асосида ташкил этилган.

Яллиғланишга қарши терапия ностероид ва стероид яллиғланишга қарши дорилар билан ўтказилди. Ностероид яллиғланишга қарши терапияни барча 125 нафар (100%) бемор қабул қилди. Ностероид билан глюкокортикостероидлар биргаликда буюрилган 1-гурухда - 37 (58,7%) беморлар, 2-гурухда - 34 (54%) беморларни ташкил этди. РА фаоллиги юқори ва ўртача кўрсаткичлари кузатилган беморлар касалхонага ётқизилишидан олдин глюкокортикостероидларни қабул қилган бўлса, беморларга стационар шароитда даволашни гормонларни парентерал юбориш билан бошланди. Препаратлар, шунингдек, 100-200,0 мл физиологик эритма ёки 5% глюкоза эритмаси билан вена ичига юборилади. Даволаш курси метил преднизолон билан 2-4 кунни ташкил этди. Кейин даволаш перорал глюкокортикостероид (кунига 10 мг) билан давом эттирилди.

Барча ҳолатларда медикаментоз терапия асосий базис яллиғланишга қарши дори воситаларни (БЯҚДВ) ўз ичига олади: метотрексат 10-20 мг / ҳафта бир марта, лефлунамид 20 мг / кунига бир маҳ, сульфосалазин 2 г / кунига бир маҳ ва плаквенил 200 мг / кунига бир маҳ; ностероид яллиғланишга қарши дорилар (НЯҚДВ) ҳам буюрилган: ацеклофенак кунига 200 мг, диклофенак кунига 75-150 мг; селектив ЦОГ- 2 ингибитирлари: мелоксикам кунига 7,5-15 мг, нимесулид кунига 200-400 мг, целекоксиб кунига 200 мг; глюкокортикоидлар метилпреднизолон кунига 4-8 мг қабул қилдилар.

Асосий базис яллиғланишга қарши дори воситалар танлашда беморларнинг ёши, касалликнинг давомийлиги ва даражаси ҳисобга олинган. Асосий базис терапия қуйидаги дорилар билан ўтказилди: 1-гурухдаги 2 (3,2%) нафар ва 2-гурухдаги 14 (22,2%) нафар бемор лефлунамид, Делагил ва Плаквенил 1-гурух 10 (16,1%) нафар ва 2-гурух 15 (23,8%) қабул қилишди, Сульфосалазин 1-гурух 7 (11,1%) ва 2-чи гурух 7 (11,3%) қабул қилган, Метотрексат 1-гурух 51 (80,9%) ва 2-гурух 18 (29%) беморларга буюрилган. Делагил ва сульфасалазинни қўллашда ножўя таъсири кузатилмади, Метотрексат қабул қилган 4 нафар беморда тери тошмаси кузатилди. Беморларни даволаш натижаларини баҳолаш Россия Тиббиёт фанлари


академиясининг ревматология илмий-тадқиқот университет мезонларига мувофиқ амалга оширилган. Терапияни баҳолашда беморларнинг умумий ҳолати, бўғимларнинг ҳаракат фаоллиги, бўғим синдромининг мавжудлиги ёки йўқлиги, лаборатория параметрларининг ўзгариши (ЭЧТ, С-РО, фибриноген ва бошқалар) ҳисобга олинади. Терапиядан сўнг ижобий натижалар билан (4-5) балл - таъсир яхши, маълум динамика бўлмаса - қониқарли (3 балл) ва қониқарсиз (2 балл), салбий кўрсаткичлар билан таснифланди.

Тақдим этилган коморбид касалликларнинг кенг тарқалишига қарамай, иккиламчи ОА билан оғриган беморларни, хусусан, РА билан оғриган беморларни даволашни ўрганишга қаратилган тадқиқотлар натижалари бўйича адабиётда етарли эмас.

Иккиламчи ОА учун даволаш стратегиясини танлаш беморнинг ёшига, касалликнинг оғирлиги ва клиник белгиларига боғлиқ. Яллиғланиш ва метаболик касалликлар бўлса, консерватив терапия асосий касалликни даволашга қаратилган бўлиши керак: аналгетиклар, машқлар терапияси, шунингдек маҳаллий /бўғим ичи инъекция, аналгетиклар ва глюкокортикостероидлар билан инфльтрациялар ўтказилган. РА бўлган барча беморларга стандарт даволаш буюрилган. Биз шартли равишда иккинчи гуруҳни 2 та кичик гуруҳлар IА ва IIВ га ажратдик. IА кичик гуруҳига 30 бемор, II В кичик гуруҳига 32 бемор ташкил этди. IА кичик гуруҳдаги 30 нафар беморлар асосий БЯҚДВ, НЯҚДВлар, хондропротекторлар, кальций препаратларни, II В кичик гуруҳдаги 32 нафар беморлар эса асосий БЯҚДВ, НЯҚДВлар ва кальций препаратларини қабул қилган. Ушбу терапевтик ёндашувда IА гуруҳдаги беморларга хондропротектор Глобавикс препаратини (таркиби глюкозамин сульфат натрий хлорид / хондроитин сульфат натрий) 1500/1200 мг дозада перорал 1 саше 200 мл сувда эритилиб кунига 1 марта қабул қилишган. Ушбу препарат комплекс терапиянинг бир қисми бўлиб, қабул қилиш давомийлиги 12 ҳафта ташкил этди.


Даволашнинг самарадорлиги субъектив ва объектив маълумотларга кўра баҳоланди. Даволашдан сўнг яхши кўрсаткичлар 2-гуруҳда, кўпинча IА кичик гуруҳда топилганлиги қайд этилди.

Тадқиқот гуруҳларида субъектив ҳолатни баҳолаш шуни кўрсатдики, яхши натижалар 2- гуруҳда 1-гуруҳга қараганда кўпроқ қайд этилган. Бу оғриқнинг пасайиши, функционал фаолликнинг ошиши билан намоён бўлди (4-расм).



### 3-расм. Стационар даволаниш натижаларини баҳолаш (%).

